

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 467-ҳадис

1. 467. Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилий розияллоҳу анхудан ривоят килинади:

Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Аллоҳ таолога икки томчи ва икки қадам изидан маҳбуброқ нарса йўқдир. Улар: Аллоҳдан кўрқиб тўкилган ёш томчиси ва Аллоҳ таоло йўлида тўкилган қон томчиси. Икки қадам изи: Аллоҳ йўлида босилган қадам изи ва Аллоҳ фарзларидан бир фарзни адо этиш учун босилган қадам изи», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Манба: hadis.islom.uz

